

Жаннатда ҳам бирга бўлиш

12:00 / 14.11.2018 3231

Ассалому алайкум! Азиз устозлар, аёл киши ўлганидан кейин у дунёда охирги эри билан бирга бўлади, деб ўқидим. Агар эрнинг аёли вафот этиб, у бошқа аёлга уйланса қайси аёл эри билан бирга бўлади? Аёл киши қаттиқ меҳр берган эри билан у дунёда ҳам бирга бўлиши учун ундан кейин эрга тегмаслиги керак экан. Лекин эри уйланса-ю у аёл ҳам шундай меҳр қўйса? Шариатимизда бу ҳақида нима дейилган? Нотўғри савол берган бўлсам узр сўрайман. Аллоҳ таоло сизлардан рози бўлсин!

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

– Ва алайкум ассалом! Вафот топган вақтда никоҳида бўлган эри билан. Валлоҳу аълам!